

Сиёсий-маърифат соати | “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун бўйича экспертлар шарҳи



Давлат фуқаролик хизматчиларининг сиёсий, маърифий ва маънавий билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириб бориш мақсадида ташкил этиб келинаётган “Сиёсий-маърифат соати” ўқув машғулотининг жорий ҳафтага мўлжалланган онлайн машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотларини туман ҳокимлиги кичик мажлислар залидан сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари, туман ҳокимлиги аппарати ходимлари ҳамда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари онлайн кузатиб боришди.

Бугунги ўқувда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун бўйича экспертлар шарҳи, ҳуқуқий саводхонлик, “Бир чимдим” маънавият, шунингдек, Ўзбекистон ва хориждаги муҳим жараёнлар ҳақида маълумот берилди.



